

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН  
ГОРОД САМАРКАНД  
ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ  
АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ  
«KOMIL-ISHONCH»



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
SAMARKAND SHAHRI  
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN  
JAMIYAT SHAKLIDAGI  
«KOMIL-ISHONCH»  
AUDITORLIK TASHKILOTI

140100, г. Самарканд, ул. Площадь Куксарой, дом 1, Р/с: 20208000503941081001, «Савдогар» банк Самаркандский филиал, код 00286, ИНН: 202631355, ОКЭД: 69202, тел: (99891) 520-65-83, 520-64-48, Email: komil-ishonch@bk.ru

“КАТТАAQO'RGON YOG-MOY» АЖ  
раҳбаријатига

“КАТТАAQO'RGON YOG-MOY» АЖнинг  
2021 йил учун тузилган молиявий ҳисоботини аудиторлик  
текширувидан ўтказиш натижаларига кўра мустақил  
АУДИТОР ХУЛОСАСИ

**Фикр**

Биз корхонанинг ўз ичига қуидагиларни олувчи молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик:

- \* 2021 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган бухгалтерия баланси;
- \*кўрсатилган санада тугаган йил учун тузилган Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- \* кўрсатилган санада тугаган йил учун тузилган Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот;
- \* кўрсатилган санада тугаган йил учун тузилган Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот;
- \*ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлар.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисобот “КАТТАAQO'RGON YOG-MOY» АЖнинг \_2021 йил 31 декабрь санасига бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнидаги унинг молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

**Фикр билдириш учун асос**

Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувани режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз “Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти” номли бўлимда баён қилинган.

Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

**Мустакиллик**

Биз аудит қилинаётган корхонага нисбатан бухгалтерлар учун ахлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан професионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Ахлоқ кодексига мувофиқ ва “КАТТАAQO'RGON YOG-MOY» АЖнинг\_молиявий ҳисоботи аудити бўйича ахлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар хамда Ахлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик.

**Муҳимлик**

Аудит текширилаётган молиявий ҳисобот муҳим бузиб курсатишларга эга эмаслиги юзасидан окилона ишонч хосил килишга йуналтирилган.

Муҳим бузиб курсатишлар корхона ходимларининг фаолият давомида амалга оширган ноконуний харакатлари ва хатоликлари натижасида юзага келиши мумкин.



Мухимлик даражасини аниклашда биз халкаро амалиётда кулланилаётган услубиётга асосландик ва корхонанинг 2021 йил учун аудиторлик текшируви жараёнида тузатилган молиявий хисоботлари буйича унинг даражасини 8 000 000 (саккиз миллион) сум миқдорида белгиладик.

### **Аудитнинг муҳим саволлари**

Аудитнинг муҳим саволлари - булар бизнинг профессионал муроҳазамизга кўра жорий давр учун тузилган молиявий хисобот буйича муҳим аҳамиятга эга бўлган саволлардир. Мазкур йуналишда биз эътиборимизни корхонанинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари, солиқ тўловлари, соғ фойдаси ва унинг ишлатилишини урганишга каратдик ва аудитор хисоботида бу борада уз фикримизни билдиридик.

### **Бошқа ахборот**

Аудитни ўтказиш жараёнида текширилган молиявий хисоботлар ўртасида муҳим зиддиятлар бор йўқлигини аниқлаш ва корхонада конунчиликка риоя килинишини урганиш мақсадида бошқа молиявий ҳамда номолиявий маълумотлар билан танишиб чикилди ва улар билан молиявий хисобот курсаткичлари уртасида муҳим зиддиятлар мавжуд эмаслигига ишонч хосил килинди.

### **Корхона фаолиятини бошқариш ва молиявий хисобот учун раҳбар шахсларнинг масъулияти**

Корхона раҳбари яки молиявий хисоботни Бухгалтерия хисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузуб кўрсатишлардан холи молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур деб хисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Бошқарув юклатилган шахслар молиявий хисоботни тузиш жараёнида корхона якин келажакда ўз фаолиятини узлуксиз давом эттира олиши қобилиятини баҳолаши, тегишли ҳолатларда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиб бериши учун масъул хисобланадилар.

Бунга корхонани тугатиш, унинг фаолиятини тўхтатиш ёки бу харакатларни амалга оширмасликнинг бошқача ечими топа олмаган ҳолатлар бундан мустасно.

### **Молиявий хисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти**

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган молиявий хисобот ножӯя харакатлар ва хатолар таъсиридаги муҳим бузуб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч хосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик хulosасини эълон килишдан иборат.

Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлсада, АХСларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий хисоботда мавжуд бўлган муҳим бузуб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди.

Бузуб кўрсатишлар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий хисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул килишларига таъсир кўрсатса ножӯя харакатлар натижаси деб каралади ва муҳим бўлиб хисобланади.

Аудиторлик текширувани утказишнинг барча жараёнларида биз АХС га мувофиқ профессионал муроҳазани куллаган ва профессионал скептицизмни саклаган ҳолда харакат килдик.

Аудиторлик текшируви жараёнида биз куйидагиларни бажардик:

- корхона масъул шахсларининг номакбул харакатлари ва хатолари таъсирида молиявий хисоботда бузуб курсатишларнинг мавжудлиги риски даражаси аниқланди;
- аудит таомилларини белгилаш мақсадида корхонадаги ички назорат тизими тугрисида тушунчага эга булинди;
- корхонанинг хисоб сиёсати урганиб чикилди ва уни корхона фаолиятига мос келишлик даражасига баҳо берилди;
- корхона фаолиятини узлуксизлиги борасидаги раҳбар шахсларнинг баҳодарнинг ҳакикатга мос келишлиги тугрисида хулоса килинди;
- текширилаётган молиявий хисобот буйича фикр билдириш учун етарли аудиторлик далилларини йигилганлигининг даражаси урганилди.



- молиявий хисобот, унинг таркиби ва мазмуни тугрисида олинган маълумотларга умумий баҳо берилиди хамда унинг ҳақоний тақдим қилинганилик даражасига фикр билдирилди.

Бундан ташқари аудиторлик ёзма ахборотида корхона раҳбариятига корхонадаги мавжуд ҳисоб ва назорат тизимини янада такомиллаштириш борасидаги фикрларимизни баён қилдик ва корхона молиявий ҳолати таҳлили бўйича амалга оширган ҳисоб китобларимизни тақдим этдик.

  
**Баймурадов Х. В.**

Директор, Аудитор,  
Малака сертификати № 05405,  
амал қилиш муддати: муддатсиз даврга



**Аудиторлик ташкилотининг манзили:**

141100, Самарқанд шаҳри,

Кўксарой майдони 1 уй

Аудиторлик ташкилоти 1998 йил йил 30 июлда

513-сон билан давлат рўйхатидан ўтган. Ўзбекистон

Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 9

апрелда янгиланган 00796 - сонли лицензияга эга.

**Хуносат тузилган сана:**

2022 йил “22” апрель

№ КЕ-04